



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

BUYRUG'I

2019 yil "06" 03

182 -son

Toshkent sh.

Ишчи гуруҳ тузиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 февралдаги 8к-8/210-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

I. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 февралдаги 8к-8/210-сонли хати ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

II. Давлат мукофотларига номзодларни танлаш ва ҳар томонлама муносиб номзодларни тавсия қилинишини таъминлаш учун қуйидаги таркибда ишчи гуруҳ тузилсин:

Ишчи гуруҳ раиси:

1. Алимджанов Иброҳим Иномович – ректор;

Ишчи гуруҳ раис муовини:

2. Юлдашев Зокиржон Абидович - ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор;

Аъзолари:

3. Исмаилов Комолатдин Қурултаевич – “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, касаба уюшма қўмитаси раиси;

4. Нормаҳаматов Нодирали Соҳобаталиевич - илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор;

5. Чўлпонов Комилжон Аминжонович – мониторинг ва ички назорат бўлими бошлиғи;

6. Хусаинова Зарифа Умаровна – ходимлар бўлими бошлиғи;

7. Собиров Шоядбек Курбоналиевич - ишлар бошқармаси бошлиғи.

III. Ишчи гуруҳга давлат мукофотларига номзодларни танлашда адолат ва холисликни таъминлаш ҳамда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, ўзлигимизни англаш, маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодни она-ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшиб келаётган, ёрқин истеъдодли ва ижоди, илмий ва жамоатчилик фаолияти, ватанпарварлик фазилатлари билан ҳурмат қозongan, соғлиқни сақлаш соҳасида кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган энг ибратли ходимларини тавсия қилиш юклатилсин.

IV. Ушбу буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 февралдаги 8к-8/210-сонли хати.

ASLIGA TO'G'RI

Ректор



И.И.Алимджанов